

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМРОЕВА ФЕРУЗА АСРОРОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК
ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Хамроева Феруза Асроровна

Олий таълим муассасаларида табиий географик
фанларни ўқитиш методикасини медиатеchnологиялар
асосида такомиллаштириш 3

Хамроева Феруза Асроровна

Совершенствование методики преподавания
физико-географических предметов на основе
медиатеchnологий в высших учебных заведениях 19

Khamroeva Feruza Asrorovna

Improving the methodology of teaching physical
geographical subjects on the basis of media
technologies in higher education institutions 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 41

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАМРОЕВА ФЕРУЗА АСРОРОВНА

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК
ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ
МЕДИАТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (география)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Ped241 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Арипов Мерсаид Мирсиддиқович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Лутфиллаев Махмуд Хасанович педагогика фанлари доктори, профессор Баратов Паттоҳ география фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил « _____ » _____ куни тарқатилди.
(2020 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.М.Арипов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф-м.ф.д., профессор

Д.М.Махмудова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

М.Тўхтасинов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда таълим соҳасидаги ривожланиш тенденцияларига мос равишда ўқув материалларини медиатеchnологиялар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган 2030 йилгача халқаро таълим концепциясида «Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш» долзарб вазифа сифатида белгиланган. Дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари миллий ва халқаро таълим муҳитида соҳа мутахассислари даражасини ташхислаш, талабаларда табиий географик туркумдаги фанларни медиатеchnологиялар асосида ўқитишни такомиллаштириш, интерфаол компьютер дастурлари орқали ўқитишнинг анъанавий ва замонавий усулларидан комплекс фойдаланишга аҳамият қаратилмоқда.

Жаҳонда табиий фанлар, жумладан, географияни ўқитиш жараёнида талабаларнинг табиий-илмий дунёқарашини ривожлантириш, олий таълим тизимида фанларни интеграциялаб ўқитиш механизмларини яратиш, педагогик ва дидактик асосларини аниқлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, медиатеchnологик ёндашув ва замонавий усуллар асосида лойиҳалаш, амалга ошириш ва такомиллаштиришнинг илмий асосланган тизимини яратиш, медиабилымларни интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш орқали медиакomпетентликни ривожлантириш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар география дарсларида педагогик ва ахборот-коммуникация теchnологияларини интегратив ёндашув асосида қўллаш, талабаларда медиатеchnологик билимларни шакллантириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлорлар география фанини ўқитиш жараёнига халқаро тажрибаларни самарали татбиқ этиш, талабаларнинг табиий-интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришда интегратив таълим теchnологияларидан фойдаланиш даражасини оширди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация теchnологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Бу борада талабаларнинг географик объектларга оид фазовий тасаввурини медиатеchnологиялар асосида ривожлантириш имкониятларини кенгайтириш, табиий географик фанларга оид ўқув материалларини анимацион-визуал тарзда тақдим этиш асосида такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўз-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

бекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли, 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сонли Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада таълим тизимини компьютер технологияси асосида ўқитишнинг илмий-назарий ва методик асослари бўйича А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимқулов, Ф.Зокирова, М.Ҳ.Лутфиллаев, М.Мамаражабов, Р.Р.Боқиев, Н.И.Тайлақов, У.Юлдашев, С.С.Фуломов, А.Ф.Ҳайитов, география дарсларида дидактик материаллардан фойдаланиш бўйича О.Мўминов, Р.Қурбонниёзов, география дарсларида техника воситалари ва компьютер технологияларидан фойдаланиш бўйича У.Сафаров, Ҳ.Никадамбаева кабилар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.В.Федоров, А.В.Шариков, Л.Мастерман, Ж.М.Петерс, С.Микенен, С.Френе, В.А.Возчиков, К.Ворсноп, Е.А.Бондаренко, А.В.Спичкин, А.А.Журин, Я.Н. Засурский, Е.Л.Вартанова, Л.М.Землянова ва А.Короченский ишларида медиатеchnологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш масалалари тадқиқ қилинган.

Хорижий мамлакатларда медиавоситалар орқали таълимни ташкил этиш ва шу орқали талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш борасида U.Carlsson, Jak Gonnet, S.Blumeke, K.Domaille, Starr Rohanne Hiltz, A.Silverblatt, Mc.Mahon, Murray Turoff, W.Potter, C.Worsnop кабилар тадқиқот ишларини олиб борган.

Республикада олий таълим муассасаларида табиий географик фанлар мазмунини медиатеchnологиялар асосида такомиллаштириш, шунингдек, умумий табиий географияни инновацион таълим технологиялари асосида ўқитиш масалалари етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот

қот ишлари режасининг А-5-48 рақамли «Ахборот-коммуникация тизимларида яратилаётган файл объектларга назоратли мурожаатда ахборотни ҳимоялашни амалга ошириш усуллари» (2016–2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим муассасаси талабаларига табиий географик фанларни медиатеологиялар асосида ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

медиатеологиялик таълимнинг табиий географик фанларга доир билим, малака ва кўникмаларни ривожлантиришдаги ўрнини медиатеологияларнинг ташкилий компонентлари мазмунини очиб бериш орқали асослаш;

географик фанларни ўқитиш жараёнларини такомиллаштиришга таъсир этувчи омилларни медиатеологияларнинг хусусиятига кўра таснифлаш асосида аниқлаштириш;

медиатеологияларнинг табиий географик машғулотлардаги моделлаштириш функциясини географик ҳодисаларни визуал тасвирлаш имкониятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштириш;

табиий географик фанларни медиатеологиялар асосида ўқитишни самарали амалга оширишда дастурий таъминотларни қўллаш методикасини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида медиатеологиялар асосида табиий географик фанларни ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд давлат университети, Жиззах педагогика институти, Бухоро давлат университети ва Андижон давлат университетининг жами 893 нафар талабаси жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети – табиий географик фанлар таълимини медиатеологиялар асосида такомиллаштиришнинг мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, анкета сўровномалари, суҳбат, тест синовлари, натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

медиатеологиялик таълимнинг табиий географик фанларга доир билим, малака ва кўникмаларни ривожлантиришдаги ўрни медиатеологияларнинг ташкилий (ижтимоий, индивидуал, методик, инфорацион, креатив, инновацион, коммуникатив, педагогик, психологик) компонентлари мазмунини очиб бериш орқали асосланган;

географик фанларни ўқитиш жараёнларини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар (методик, дидактик, психологик) медиатеологияларнинг хусусиятига кўра таснифлаш (аудиовизуал, мультимедиа, гиперматнли, холографик) асосида аниқлаштирилган;

медиатеологияларнинг табиий географик машғулотлардаги моделлаштириш функцияси географик ҳодисаларни (ернинг ўз ўқи атрофида айланиши, ички тузилиши, вулқонларнинг отилиши) визуал тасвирлаш имкониятла-

рига (Solid Edge, 3d MAX дастурлари) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

«Умумий табиий география» фанини ўқитишнинг ўқув-методик таъминоти «Тушунчалар таҳлили», «Интерфаол хариталар» методига йўналтирилган «Интерфаол дастурий таъминот»нинг ўқув жараёнига таъсири тузилмасини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

география таълим йўналиши ўқув режасидаги умумкасбий ва ихтисослик фанлари ўқув дастурлари мазмуни такомиллаштирилган;

олий таълим муассасаларида «Умумий табиий география» фанини ўқитиш жараёнида талабаларнинг медиасаводхонлигини ривожлантиришга хизмат қиладиган интерфаол дастурий таъминот яратилган;

медиатехнологиялар асосида табиий географик фанларга оид амалий машғулотларни бажаришда электрон-ахборот таълим муҳити ишлаб чиқилган ва унда география фанидан талабаларнинг касбий фаолиятида ахборотлар билан ишлаш илмий-методик таъминотини такомиллаштириш технологиялари амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва педагогик тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий географик фанлар ишчи ўқув дастури асосида тайёрланган мажмуалар мазмуни, амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси медиатехнологияларни қўллаш орқали такомиллаштирилганлиги, талабаларда ахборот билан ишлаш компетенцияларини шакллантиришга қаратилган касбий компетентлиликни ривожлантириш технологиялари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабалар медиасаводхонлигини ошириш ва уларнинг медиабилим даражаларини намоён қилишни таъминловчи электрон ахборот-таълим ресурсларини бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида қўллаш, медиатаҳлил ва медиакреативлик, медиакомпетентлилик даражаларини ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шунингдек, медиабилим, медиасаводхонлик кўникмалари ҳамда медиакомпетентлилик ва медиамаданиятни шакллантиришга хизмат қилувчи дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасаларида табиий географик фанларни ўқитиш методикасини медиатехнологиялар асосида такомиллаштириш бўйича олинган тадқиқот натижалари орқали:

медиатехнологик таълимнинг табиий географик фанларга доир билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришдаги ўрни, медиатехнологияларнинг

ташкилий компонентлари мазмуни, медиатеchnологияларнинг табиий географик машғулотлардаги моделлаштириш функцияси, географик ҳодисаларни визуал тасвирлаш имкониятларига оид таклифлардан А-13-9 рақамли «Зарафшон водийсининг рекреация, туристик ва экологик карталарини тузиш» (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 89-03-3611-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳа Зарафшон водийсининг рекреация, туристик ва экологик карталарини тузиш орқали ҳудуднинг туристик жозибадорлигини ошириш имкониятини кенгайтирган;

географик фанларни ўқитиш жараёнларини такомиллаштиришга таъсир этувчи омиллар (методик, дидактик, психологик), медиатеchnологияларнинг хусусиятига кўра таснифи (аудиовизуал, мультимедиа, гиперматнли, холографик)га оид таклифлардан И-ОТ-2017-4-2 рақамли «Методик тизимда компьютер иммитацион моделлари асосидаги виртуал ресурсларни яратиш ва имконияти чекланган ёшлар таълимида жорий этиш» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 89-03-3611-сонли маълумотномаси). Мазкур лойиҳа методик тизимда компьютер иммитацион моделлари асосидаги виртуал ресурсларни яратиш ва имконияти чекланган ёшлар таълимига жорий этиш орқали интерфаол тренинглари ташкил этишга хизмат қилган;

«Умумий табиий география» фанини ўқитишнинг ўқув-методик таъминотини такомиллаштириш, «Тушунчалар таҳлили», «Интерфаол хариталар» методига йўналтирилган «Интерфаол дастурий таъминот»нинг ўқув жараёнига таъсири тузилмасига оид таклифлардан 5140600 – География таълим йўналиши ва 5110500 – География ўқитиш методикаси йўналиши бўйича ўқув машғулотларининг ташкилий ва педагогик жараёнларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 89-03-3611-сонли маълумотномаси). Натижада, медиатеchnологияларга асосланиб талабаларнинг табиий географик фанларни ўзлаштириш даражаларини ошириш ва таълим сифатини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда жами 6 та мақола, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқот усуллари аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Табиий географик фанларни медиатеchnологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасалари таълим самарадорлигини ошириш жараёнида мавжуд айрим муаммолар, соҳага оид тадқиқот ишларини ўрганиш, давлат ва жамиятнинг мазкур соҳага қўяётган вазифалари ва мазкур муаммолар ечимини топишда таълим жараёнида медиатеchnологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги ўрганилган. Шунингдек, табиий географик фанларга замонамизнинг энг долзарб муаммоларни тадқиқ қилувчи таълим тармоғи сифатида қаралиши, ўқитиш назарияси ва таълимдаги муаммолар очиб берилган.

Таълим жараёнида самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўлган илмий-методик таъминотни яратишда медиатеchnологиялар инновацион ахборот манбаи бўла олади. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб таълим сифатини ошириш ва кўзланган мақсадга эришишда медиа, яъни Интернет, телевидение, радио, кино, видео ва бошқа алоқа воситаларидан фойдаланиш самарали эканлиги ўз исботини топмоқда. Медианинг таълимда пайдо бўлиши узлуксиз таълим жараёнини визуал материаллар билан бойитиш, машғулотларнинг сифатли ўтилиши ва таълим олувчиларнинг ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот давомида медиатаълим ва унинг пойдевори бўлган медиатеchnология тушунчалари борасида хорижий, МДХ давлатлари ҳамда республикамиз олимлари томонидан билдирилган турли фикр ва мулоҳазалар ўрганилди.

Табиий географик фанлар ўқув режасига киритилган ихтисослик ва умумкасбий фанларнинг мазмуни таҳлил қилинди ва табиий географик фанларни ўқитишда медиатеchnологияларни ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг касб маҳорати, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш ва бевосита ўқитувчи ҳамда талабаларда медиамаданиятни шакллантириш орқали кутилган натижаларга эришиш мумкинлиги асосланди. Бугунги глобаллашув замонида табиий географик фанларни ўқитишда янги илмий-методик ёндашувни қўллаш, медиатеchnологиялар асосида ўқитишнинг методик мазмуни, айниқса, талабанинг ахборотлар олишини кенг таъминлаш, талабаларнинг медиасаводхонлиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш учун замонавий оммавий ах-

борот воситалари, таълим-тарбия тизими, маънавий ва маърифий фаолиятлар, ахборот технологиялари кабиларнинг самарадорлигини ошириш вазифалари қўйилди.

Талабаларда медиасаводхонликни оширишнинг самарали томони Интернет ва компьютер орқали ахборотни йиғиш ҳамда ундан ўринли фойдаланишдир. Интернет орқали олинган ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт талабанинг янгича фикрлашига ва дунёқарашини такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда медиатехнологиялардан фойдаланиб талабалар медиасаводхонлигини ошириш мумкинлиги, ўқув жараёнини медиатаълим асосида ташкил этиш лозимлиги эътироф этилиб, мазкур муаммо ечимини топишга муваффақ бўлинди.

Диссертациянинг «**Табиий географик фанларни медиатехнологиялар асосида ўқитишни такомиллаштириш методикаси**» деб номланган иккинчи боби биринчи параграфда медиатехнологиялар асосида табиий географик фанларни ўқитишнинг дидактик таъминоти, метод ва воситалари очиб берилган, талабаларнинг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш, оммавий ахборот воситалари орқали таълим олиш имкониятлари тўғрисида мулоҳазалар келтирилган.


Талабаларга табиий географик фанларни медиатехнологиялар асосида ўқитишнинг илмий методикасини таъминловчи дидактик мажмуалар хусусиятларини қуйидагича белгилаш мумкин:

мультимедиа табиий географик фанларни дастурий таъминот ва техникавий базалар ёрдамида аудио, видео, матн, графика ва анимация воситалари асосида ўқитиш мажмуасидир;

медиатехнология интерфаол ўқув жараёнини ягона назорат остида визуал ва аудио эффектларни тайёрлаш орқали дастурлаштиришдир.


Ушбу технологиялар мулоқотнинг бир усули, инсон фаолиятининг маҳсулидир. Бинобарин, улардан фойдаланиш орқали таълим сифати ҳамда талабаларнинг фанга бўлган иштиёқини ошириш, ўқиш вақтини тежаш, бир вақтнинг ўзида бир нечта сезги органларига таъсири туфайли материални чуқур ўзлаштириш, масофавий ва электрон таълимни жорий этишга эришилади. Медиатехнологиялар хусусиятига кўра аудиовизуал технологиялар, мультимедиа технологиялари, гиперматнли технологиялар, холографик технологиялар интеграциялашган мураккаб технологик тузилмаларни ташкил этади.

Табиий географик фанларни ўқитишда медиатехнологияларни қўллаш янги услубий имкониятларни очиб беради. Маъруза машғулотларида мавзуга оид илмий-назарий маълумотлар, фотосуратларни компьютер дастурлари орқали қўллаш самарали натижага эришишга сабаб бўлади. Агар тасвирлар моделлаштиришнинг 3D-дизайнер дастурлари ёрдамида тайёрланса ҳамда улардан фойдаланиш методикаси кўрсатилиб берилса, самарадорлик сезиларли даражада юқори босқичга кўтарилади. Бундай тасвирларни фанни ўқитишда қўллаш мавзуларга оид маълумотлар моҳиятини тўлиқ очиб бериш имкониятини беради (1-расм).



1-расм. Ер шарининг 3D-дизайнер дастурлари ёрдамида тайёрланган тасвири

Медиатехнологиялар билан интеграциялашган ҳолда қўлланиладиган методлардан «Интерфаол хариталар», «Кейс-стади», «Вебинар» ва бошқа методлар, шунингдек, табиий географик фанларни медиатехнологиялар асосида ўқитишнинг самарали воситаларидан бири – Интернет тармоғининг имкониятлари ва таълим порталлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Таълим порталидаги компьютернинг дастурий воситалари асосида яратилган ўқув-услубий материаллар ва электрон дарсликлардан фойдаланишдан асосий мақсад – замонавий ахборот-таълим услубини шакллантириш, замонавий ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш, узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбаларидан бири – электрон ўқув адабиётларни кенг қўллаш, уларнинг маълум маънода кутубхоналарини ташкил этиш. Талабалар «Умумий табиий география» фанини ўзлаштириш жараёнида фаннинг тадқиқот объекти, предмети, тадқиқот усуллари, Коинот, Қуёш системаси, Ер ва унинг Қуёш системасидаги тутган ўрни, географик қобик ва унинг тузилиши, географик муҳит ва инсон муносабатларининг географик асосларига оид назарий қарашлар ҳақида тасаввурга эга бўлишлари лозим. Ўқув жараёнида электрон дарслик, қўлланма, дарс ишланмаси, ўқув фильм ва кўрғазмали материаллардан кенг фойдаланиш таълим самарадорлигини оширади. Чунки, талаба мавзунини маъруза шаклида эшитишдан кўра уни кўпроқ кўз билан кўриб, баъзи жараёнларни бевосита компьютерда амалий бажарса, унинг ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунчаларни тез қабул қилиши ҳамда уни амалиётга жорий этиши енгил кечади. Электрон ўқув-методик таъминотдан ўрин олган медиатехнологияли фаол ўқув дастур материаллари, видеотасвирлар ва ўқув фильмлари мазкур босқичларни тўлиқ амалга оширишда ақлий ва илмий дунёқарашни такомиллаштиради. Ҳар бир маъруза машғулоти учун мўлжалланган медиатехнологияли «Интерфаол дастурий таъминот» номли дастур талабадан ижодкорлик, ўз касбига масъулият билан ёндашишни талаб қилади. Ҳар бир дарс машғулоти талабаларнинг ўзига хос методик хусусиятга эгаллиги, табиий география фанига қизиқиш ўз эҳтиёжидан келиб чиққанлиги, аниқ ўқув мақсадига йўналтирилганлиги, олдиндан лойиҳалаштирилганлиги, ижобий натижа беришга кафолатланганлигига асосланади.



2-расм. Интерфаол дастурий таъминотнинг ўқув жараёнига таъсири тузилмаси


Талабаларнинг «Умумий табиий география» фанини ўзлаштиришига ёрдам берувчи мазкур ўқув-методик таъминотдаги ҳар бир мавзуга оид видеолавҳалар, фотосуратлар, кроссвордлар, мустаҳкамловчи саволлар, талабанинг мавзуга оид билимини аниқловчи тестлар, маъруза қисмида қўлланилган педагогик технологиялар талабанинг креативлик қобилиятини ошириш воситалари бўлиб хизмат қилади, шунингдек, уларнинг фанни ўрганишга бўлган қизиқишини янада оширади. Интерфаол дастурий таъминотнинг ўқув жараёнидаги роли кенг очиб берилди (2-расм).

Машғулот самарадорлигини оширувчи, талабаларни бутун дарс машғулоти жараёнида фаоллаштирувчи асосий восита улар бажарадиган амалий машғулотлардир. Амалий машғулотлар курс мазмунига қараб белгиланади. Амалий машғулотларни олиб боришдан мақсад талабаларда турли мазмундаги карталар ва глобуслар, рақамли кўрсаткичлар билан ишлаш, табиат ҳодисаларини кузатиш каби кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш ҳамда олинган назарий билимларни мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, улар амалий машғулотнинг асосини ташкил этади. Амалий машғулотларни бажаришда медиатеchnологиялардан, Интернетнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш талабаларнинг фанга бўлган қизиқишини орттириши баробарида уларнинг компьютер саводхонлиги, медиасаводхонлиги, медиакомпетентлигини ошириб, медиамаданиятини ривожлантиради. Мазкур тадқиқот ишида «Умумий табиий география» фанидан маъруза ва амалий машғулотларда медиатеchnологияли «Интерфаол дастурий таъминот» дастурларидан фойдаланиш методикаси тавсия қилинди.

Дарс машғулотларида олинган назарий билимларни амалиётда қўллаш мақсадида талабалар Интернетга улана оладиган исталган компьютер, планшет, смартфон ва бошқа медиа воситалар орқали дастурга боғланиб, амалий топшириқларни бажаришлари мумкин. Дастур html форматда javascript ва jquery ёрдамида тузилган. Дастур исталган замонавий браузер орқали юкланади ва ишлайди. Дастурни ишга тушириш учун index.html файлини Интернет браузерида очиш лозим бўлади. Дастур ишлаши учун медиавоситалар Интернетга уланган бўлиши шарт. Чунки Yandex географик картаси юклаб олинади ва шу асосда амалий машғулот бажарилади. Маълум вақт ўтгач, карта юкланади. Бу, одатда, Интернет тезлигига қараб 1–2 сониядан 10–15 сониягача бўлган вақтни олади. Карта дунё табиий картаси бўлиб, бунда дунё океани, денгизлар, қўлтиқлар, бўғозлар, чуқур ботиклар, океан оқимлари, дарёлар, қўллар ва музликларни ёзувсиз картага тушириш имкониятлари мавжуд. Карта юклангач, дастур тўлиқ ишга тушади (3-расм).

Талабалар медиатеchnологияли «Географик амалий машғулотлар» дастуридаги дунё табиий картаси масштабини ўз хоҳишига кўра ўзгартиришлари мумкин. Бу эса уларга амалий машғулотларни тўлиқ бажаришлари учун қулай имконият яратади.

Диссертацияда дастурий маҳсулотлар ёрдамида бажариладиган амалий машғулотлар «SWOT-таҳлили» методи орқали таҳлил этилди.



3-расм. Медиатехнологияли «Географик амалий машғулотлар» дастури

Диссертациянинг «Табиий географик фанларни медиатехнологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича тажриба-синов ишларининг таҳлили» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини тайёрлаш ва ўтказишнинг асосий шарт-шароитлари, тажриба-синов натижаларининг статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Тажриба-синов ишларининг мақсади табиий географик фанларни олий таълим муассасаси талабаларига медиатехнологиялар асосида ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштириш мазмуни, йўллари, педагогик шарт-шароитлар самарадорлигини аниқлаш сифатида белгиланди.

Медиатехнологияларга асосланиб яратилган дастурий таъминотлар воқитида ўқитишни ташкил этиш ва синовдан ўтказиш ишлари Самарқанд давлат университети, Бухоро давлат университети, Андижон давлат университетининг 5140600 – География, Жиззах педагогика институтининг 5110500 – География ўқитиш методикаси таълим йўналишларида амалга оширилди. Тажриба-синов ишлари тўртта, яъни ташхис ва башорат қилиш, ташкилий тайёргарлик, амалий ва умумлаштирувчи босқичларда амалга оширилди (2016–2018 йй.). Уларда Самарқанд давлат университетидан 194, Жиззах педагогика институтидан 325, Бухоро давлат университетидан 132, Андижон давлат университетидан 242, жами 893 нафар талаба иштирок этди.


Тадқиқот давомида илгари сурилган ғоялар асосида танлаб олинган объектлардаги муаммолар ва бу ғояни амалга оширишнинг ҳолати ўрганилиб таҳлил этилди, география таълими йўналишида таҳсил олаётган бўлажак ўқитувчиларнинг фаолияти юзасидан кузатишлар олиб борилди, суҳбатлар ўтказилди, етакчи олимлар, педагогларнинг тадқиқот мавзусига оид илмий ишлари таҳлил қилинди. Шундан сўнг медиатехнологияларни тўлиқ қамраб олган «Интерфаол дастурий таъминот» ишлаб чиқилди, у асосида машғулотларни олиб бориш назорат қилинди ва танлаб олинган таълим муассасаларининг таълим жараёнига татбиқ этилди.

Тажриба ўтказиш учун талабалар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Дастлабки ва тажриба сўнгида олинган маълумотлар асосида математик-статистик таҳлилий ишлар олиб борилди. Ушбу натижаларнинг математик-статистик таҳлилинини амалга оширишда Пирсон мезонидан фойдаланилди (1-жадвал).

**Олий таълим муассасаларида ўтказилган тажриба-синов ишлари
статистик қийматларининг таққослама жадвали**


T/р	Таълим муассасалари	Вақти	Гуруҳлар	Сони	χ^2	$T_{\text{мес}}$	Ўртача қиймат	Самарадорлик коэффициенти	Хулоса
1.	Самарқанд давлат университети	ТБ	Тажриба	30	0,05	7,81	3,17	0,99	Н ₀
			Назорат	31			3,19		
		ТО	Тажриба	30	9,80	7,81	3,93	1,20	Н ₁
			Назорат	31			3,29		
2.	Бухоро давлат университети	ТБ	Тажриба	22	0,75	7,81	3,09	1,00	Н ₀
			Назорат	20			3,10		
		ТО	Тажриба	22	8,96	7,81	4,00	1,19	Н ₁
			Назорат	20			3,35		
3.	Андижон давлат университети	ТБ	Тажриба	49	0,05	7,81	3,12	1,00	Н ₀
			Назорат	25			3,12		
		ТО	Тажриба	49	9,48	7,81	3,92	1,19	Н ₁
			Назорат	25			3,28		
4.	Жиззах давлат педагогика институти	ТБ	Тажриба	41	0,12	7,81	3,22	1,01	Н ₀
			Назорат	42			3,19		
		ТО	Тажриба	41	16,4	7,81	4,00	1,21	Н ₁
			Назорат	42			3,31		
Умумий натижа		ТБ	Тажриба	142	0,10	7,81	3,15	1,00	Н ₀
			Назорат	118			3,16		
		ТО	Тажриба	142	44,6	7,81	3,96	1,20	Н ₁
			Назорат	118			3,31		

Ушбу жадвалдаги статистик қиймат натижаларига кўра, тажриба-синов охирида олинган натижалар самарадорлиги тажриба гуруҳида 16% га юқори эканлиги математик-статистик усуллар асосида исботланди. Бу натижаларнинг самарадорлик бўйича диаграмма кўриниши қуйидагича бўлди:



4-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларининг синов натижалари

Тажриба ва назорат гуруҳларидаги самарадорлик кўрсаткичлари тажриба охирида куйидагича кўринишга эга бўлди:



5-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларида талабаларнинг ўзлаштириш самарадорлиги

Педагогик тажриба-синов натижаларига математик-статистик ишлов бериш орқали талабаларга табиий географик фанларни ўқитишнинг методик таъминотини медиатеchnологиялар асосида такомиллаштириш бўйича қабул қилинган тадқиқот фарази тўлиқ тасдиқланди.

ХУЛОСА

Мазкур ишда амалга оширилган илмий изланишлар ва тадқиқот мавзусига оид ўрганилган адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, республикадаги олий таълим муассасаларида географик фанларни медиатеchnологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминотини яратиш масалалари соҳа бўйича олиб борилган тадқиқотларда ҳозирги вақтга қадар алоҳида муаммо сифатида тадқиқ этилмаган. Ушбу бажарилган илмий-тадқиқот ишининг натижалари куйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Диссертация ишининг назарий қисмида тадқиқот ишининг асоси ҳисобланган медиатаълим ва унинг пойдевори бўлган медиатеchnология тушунчалари борасида хорижий, МДҲ давлатлари ҳамда республикамиз олимлари томонидан билдирилган турли фикр ва мулоҳазалар таҳлил қилинди ва муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилди.

2. Медиатеchnологиялардан таълимда фойдаланиш имкониятлари ўрганилди, шунингдек, уларнинг афзалликлари ва улардан кутилаётган ижобий натижалар борасида тафсилотлар ҳамда умумий тавсиялар берилди.

3. Медиатеchnологияларнинг табиий география машғулотидаги моделлаштириш функцияси географик ҳодисаларни визуал тасвирлаш имкониятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилди.

4. Табиий географик фанларни медиатеchnологиялар асосида ўқитиш самарадорлигини оширишнинг илмий-методик асослари ишлаб чиқилди.

5. Олий таълим муассасаларининг география йўналишида таҳсил олувчи талабаларга табиий географик фанларни медиатеchnологиялар асосида ўқитишнинг замон талабларига жавоб берадиган, ўқитиш жараёнида масофавий таълим ҳамда мустақил ишлаш учун мўлжалланган, таълим самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган ҳозирги ўқув-методик таъминот тажриба-синов

тариқасида амалиётга татбиқ этилди.

6. Табиий географик фанларни медиатеологиялар асосида ўқитишнинг афзаллиги ва ҳозирги ҳолати, республикамиздаги Андижон ДУ, Бухоро ДУ, Жиззах ДПИ ва Самарқанд ДУнинг география йўналишида таҳсил олувчи 800 дан ортиқ талабалардан олинган сўровнома натижаларининг таҳлили, аввалги ўқитиш самарадорлиги билан таққосланганда, талабаларнинг билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш даражаси янада ортганлигини кўрсатди.

7. Тадқиқот давомида самарадорлик даражаси юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари табиий географик фанларни медиатеологиялар асосида ўқитишнинг дидактик таъминоти, усуллари ва воситалари, соҳада амалга оширилаётган таълим сифати ва самарадорлигини оширишнинг дидактик имкониятлари, шунингдек, дастурий таъминотдан самарали фойдаланишга доир тавсиялар замонавий таълимнинг устувор йўналишларидан бири– талабаларнинг мустақил таълим олишга нисбатан қизиқишларини оширганлигини кўрсатди.

Олий таълим муассасалари талабаларига табиий географик фанларни медиатеологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминотини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги тавсиялар таклиф қилинди:

1) олий таълим муассасаларининг география йўналишида таҳсил олувчи талабаларга табиий географик фанларни ўқитиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида медиатеологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминоти имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш;

2) мазкур тадқиқотнинг илмий хулосаларига таянган ҳолда география туркумидаги бошқа фанлар бўйича ҳам медиатеологиялар асосида ўқитишнинг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ўқитиш жадаллигини оширувчи ва янги имкониятларга бой дастурий таъминотларни жорий этиш;

3) таълим тизимига янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг инновацион ёндашувлари жорий этиб борилаётган шароитда медиатеологиялар асосида ўқитишнинг дастурий таъминотини жамиятнинг замонавий таълим талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ янада мукамаллаштириш ва уни бошқа географик фанларда ҳам қўллаш борасида ривожланган давлатлар тажрибасидан унумли фойдаланишни кенгайтириш;

4) умумий ўрта таълим ўқитувчиларининг малакасини ошириш курсларида тадқиқот натижаларидан ҳамда фанга оид яратилган дастурий таъминотдан фойдаланишни кенг жорий этиш;

5) олий таълим муассасаларида медиатаълим марказларини ташкил этиш ҳамда фанлар кесимида интерфаол дастурий таъминот асосида тайёрланган электрон ўқув мажмуалар бандини ташкил этиш ва ундан талабаларнинг медиасаводхонлигини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Ped.01.09 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХАМРОЕВА ФЕРУЗА АСРОРОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЗИКО-
ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ПРЕДМЕТОВ НА ОСНОВЕ
МЕДИАТЕХНОЛОГИЙ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (география)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.4.PhD/Ped241

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.nuu.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель:	Арипов Мерсаид Мирсиддинович доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Лутфиллаев Махмуд Хасанович доктор педагогических наук, профессор Баратов Паттох кандидат географических наук, профессор
Ведущая организация:	Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Ped.01.09 при Национальном университете Узбекистана, Ташкентском химико-технологическом институте, Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом №4). Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: наука@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом №4). Тел: (+998) 71-246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от _____ 2020 года)

М.М.Арипов
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.
ф-м. н., проф.

Д.М.Махмудова
ученый секретарь Научного
совета по присуждению ученых
степеней, д. ф. п. н. (PhD)

М.Тухтасинов
председатель научного семинара
при Научном совете по
присуждению научных степеней,
д. ф-м. н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире особое внимание уделяется совершенствованию учебных материалов на основе медиатехнологий в соответствии с тенденциями развития сферы образования. В концепции международного образования до 2030 года, принятой ЮНЕСКО, «создание возможностей для качественного образования на протяжении всей жизни» определяется как актуальная задача. В национальной и международной образовательной среде ведущих высших учебных заведений мира обращается внимание на диагностику уровня специалистов в данной области, совершенствование преподавания физико-географических предметов студентам на основе медиатехнологий, комплексное использование традиционных и современных методов обучения с помощью интерактивных компьютерных программ.

В мире ведутся научные исследования по развитию естественнонаучного мировоззрения студентов в процессе преподавания естественных наук, в том числе географии, созданию механизмов интегрированного преподавания предметов в системе высшего образования, выявлению и внедрению педагогических и дидактических основ, созданию научно обоснованной системы проектирования, внедрения и совершенствования на основе медиатехнологических подходов и современных методов, развитию медиакомпетентности путем совершенствования медиазнаний на основе интегративного подхода. Данные исследования расширяют возможности применения педагогических и информационно-коммуникационных технологий на основе интегративного подхода, формирования медиатехнологических знаний у студентов на уроках географии.

Проведенные в нашей стране широкомасштабные реформы по повышению качества образования, укреплению материально-технической базы учебных заведений и обеспечению высококвалифицированными специалистами повысили уровень эффективного применения международного опыта в процессе преподавания географии и использования интегративных технологий обучения в развитии естественно-интеллектуальных способностей студентов. В концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года определены такие задачи как «совершенствование методики обучения, постепенное внедрение принципов индивидуализации в учебно-воспитательный процесс, современных информационно-коммуникационных технологий и инновационных проектов в сфере народного образования»². В связи с этим важно расширить возможности для развития у студентов пространственного видения географических объектов на основе медиатехнологий, совершенствовать на основе анимационно-визуального предоставления учебных материалов по физико-географическим предметам.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года» // Национальная база сведений о законодательных документах. 06/19/5712/ № 3034, 29.04.2019 г.

реализации задач, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-5712 от 29 апреля 2019 года «Об утверждении концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года», № УП-5763 от 11 июля 2019 года «О мерах по реформированию управления в сфере высшего и среднего специального образования», Постановлении Президента Республики Узбекистан за № ПП-3775 от 5 июня 2018 года «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В республике были исследованы вопросы по научно-теоретическим и методическим основам преподавания системы образования на основе компьютерных технологий А. Абдукадыровым, М.М.Ариповым, У.Ш.Бегимкуловым, Ф.Зокировой, М.Х.Лутфиллаевым, М. Мамараджабовым, Р.Р.Бакиевым, Н.И.Тайлаковым, У.Юлдашевым, С.С.Гулямовым, А.Г.Хаитовым, по использованию дидактических материалов на уроках географии О.Муминовым, Р.Курбанниязовым, по использованию технических средств и компьютерных технологий на уроках географии У.Сафаровым, Х.Никадамбаевой.

В работах ученых стран Содружества Независимых Государств А.В.Федорова, А.В.Шарикова, Л.Мастермана, Ж.М.Петерса, С.Микенена, С.Френе, В.А.Возчикова, К.Ворснопа, Е.А.Бондаренко, А.В.Спичкина, А.А.Журина, Я.Н.Засурского, Е.Л.Вартановой, Л.М.Земляновой и А.Короченского были исследованы вопросы совершенствования научно-методического обеспечения образования на основе медиатехнологий.

В зарубежных странах по организации обучения через медийные средства и тем самым по развитию медиакомпетентности студентов были проведены исследования U.Carlsson, Jak Gonnet, S.Blumeke, K.Domaille, Starr Rohanne Hiltz, A.Silverblatt, Mc.Mahon, Murray Turoff, W.Potter, C.Worsnop.

В высших учебных заведениях нашей республики недостаточно изучены вопросы совершенствования физико-географических предметов на основе медиатехнологий, а также преподавания общей физической географии на основе инновационных образовательных технологий.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках практи-

ческого проекта плана научно-исследовательских работ Ташкентского государственного технического университета № А-5-48 «Методы реализации защиты информации при контролируемом доступе к файловым объектам, созданным в информационно-коммуникационных системах» (2016–2018 гг.).

Целью исследования является совершенствование методического обеспечения преподавания физико-географических предметов студентам высших учебных заведений на основе медиатехнологий.

Задачи исследования:

обосновать роль медиатехнологического образования в развитии знаний, умений и навыков по физико-географическим предметам путем раскрытия содержания организационных компонентов медиатехнологий;

определить факторы, влияющие на совершенствование процессов преподавания географических предметов на основе классификации по характеру медиатехнологий;

совершенствовать моделирующие функции медиатехнологий в области физико-географических занятий на основе приоритета возможности визуального представления географических явлений;

разработать методику применения программного обеспечения в эффективной реализации преподавания физико-географических предметов на основе медиатехнологий.

